

INNOVATIVE PRACTICE OF PRINCIPLES OF ORGANIZATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRIMARY EDUCATION

Karimjonov A.

Candidate of Pedagogical Sciences.

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region.

Karimova G.

Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region.

ABSTRACT

The article analyzes the innovative practice of the principles of organization of the educational process in primary education.

Keywords: education, beginner, approach, innovation, principle, practice.

ИННОВАЦИОННАЯ ПРАКТИКА ПРИНЦИПОВ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Каримжонов А.

Кандидат педагогических наук.

Доцент Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

Каримова Г.

Студентка Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

Аннотация: В статье проводится анализ инновационной практики принципов организации воспитательного процесса в начальном образовании.

Ключевые слова: обучение, новичок, подход, инновация, принцип, практика.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН АМАЛИЁТИ

Каримжонов А.

Педагогика фанлари номзоди.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти.

Каримова Г.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси.

Аннотация: Мақолада бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиёти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, ёндашиш, инновация, тамойил, амалиёт.

Ўзбекистон халқ таълимини 2022-2026 йилларда ривожлантириш бўйича Миллий дастурида бошланғич таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва унинг воситасида қутилган самарадорликка эришиш вазифаси қўйилган. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг амалиёти масаласини ўрганиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда эътиборингизни ана шу масаланинг инновацион амалиёти таҳлиliga тортамыз.

Янгича ёндашиш. Бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг амалиётида энг асосий масалалардан бири инновацион амалиётдир. Бундай амалиётнинг негизларидан бирини янгича ёндашиш ташкил этади. Янгича ёндашиш деганда бошланғич таълимни ташкил этишнинг тамойиллари мазмунига бутунлай янги ғоялар ва фикрлар асосида муносабатда бўлиш тушунилади. Чунки янгича ёндашишнинг энг муҳим асосий тамойилларини самарадорлигини таъминлашдан иборат. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида янгича ёндашиш негизларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларининг янги ғояларга асосланганлиги;
- 2) янги ғояларнинг бошланғич таълим самарадорлигига ижобий таъсир этиши;
- 3) янги ғоялар асосида анъанавий тамойилларнинг такомиллаштирилиб борилиши;
- 4) янги ғоялар асосида тамойилларнинг қутилган самарадорлигига эришиш.

Бунда янгича ёндашиш бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётини белгилайди. Унга кўра, ҳар бир тамойил янги ғоялар асосида такомиллаштирилиши, унинг анъанавий асослари ривожлантирилиши ва қутилган самарага эришиш йўллари белгиланиши керак. Мисол учун, бошланғич таълимни ташкил этишда энг кўп қўлланиладиган таълим бериш тамойилининг инновацион амалиёти аниқланганда янги ғоялар асосида унинг самарадорлиги белгиланади ва мазкур тамойилнинг эҳтиёжларга мос равишда ривожланиб бориш йўналишлари белгиланади. Шу сабабли янгича ёндашиш бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида асосий эътиборни эришилган янги самарадорликка қаратади. Бундай ёндашув ривожланиб бориш жараёнида бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларини ривожлантириб бориш имконини беради.

Янги тажрибалардан фойдаланиш. Бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётини аниқлашда ундаги янги тажрибалардан фойдаланиш масаласига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, янги тажрибалар асосида бошланғич таълимни ташкил этиш тамойиллари ривожлантирилади ва такомиллаштирилади. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида янги тажрибалардан фойдаланиш қуйидагилар назарда тутилади:

- 1) бошланғич таълимда ноанъанавий машғулотлар тамойилларидан фойдаланиш;
- 2) бошланғич таълимда ноанъанавий хорижий машғулотлар тажрибалари тамойилларидан фойдаланиш;
- 3) бошланғич таълимда ноанъанавий ва тажриба-синов тариқасидаги машғулотлар тамойилларидан фойдаланиш.

Эътибор берилса, бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларини инновацион амалиётида янги тажрибалардан фойдаланиш масаласи муҳим аҳамиятга

эга. Чунки янги тажрибалардан фойдаланиш таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларини такомиллаштиради, уларни бугунги кун талабларига мос равишда коррекциялайди ва бошланғич таълимнинг мазмуни самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Унга кўра, янги тажрибалардан фойдаланиш бошланғич таълим тамойилларини босқичма-босқич янгилаб боришга асосланган. Хорижий мамлакатларнинг бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари амалиётини кузатиш шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда мунтазам равишда бошланғич таълимни ташкил этиш тамойиллари янги тажрибалар асосида янгилашиб боради. Мисол учун, кейинги 5 йил давомида Европа мамлакатларида TIMSS, STEAM каби халқаро баҳолаш дастурлари асосида бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларини янгилаш ва такомиллаштириш тажрибаси кечмоқда. Бу янги тажрибадан фойдаланиш натижасида мазкур минтақа мамлакатларининг бошланғич таълимни соғлом рақобат асосида ривожланиш жараёнига кирди. Шу маънода бошланғич таълимни ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида янги тажрибалардан фойдаланиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз бошланғич таълим босқичида кейинги 5 йил давомида янги тажрибалар тўпланганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай тажрибалардан бири синф машғулотларининг нисбатан кўп фоизини амалий машғулотлар ташкил этиш жараёнидан иборат. Унга кўра, синфда муайян мавзу назарий жиҳатдан белгиланган вақт мобайнида ўзлаштирилади ва ажратилган вақтнинг кўп қисми ана шу ўзлаштирганларни амалиётда қўллаш олиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар асосида амалга оширади. Эътибор берилса, бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида янги тажрибалардан фойдаланиш деганда бу борадаги хорижий ва миллий тажрибалар асосида тамойиллар самарадорлигига эришиш назарда тутилади. Шу сабабли янги тажрибалардан фойдаланиш масаласи бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойиллари инновацион амалиётида янгилашиш, тажриба-синовлардан оқилона фойдаланиш ва тажрибадан ўтган услубларга таяниш билан белгиланади. Буларнинг барчаси бошланғич таълимда янги тажрибалардан фойдаланиш масаласининг мазмунини ташкил этади.

Янги маълумотларни ўрганиб бориш. Унга кўра, бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётида шу тамойилларнинг самарадорлик масаласи янги маълумотлар асосида ўрганиб борилади. Бу ўринда янги маълумотлар деганда тамойилларни кучайтиришга хизмат қилувчи янги хабарлар, далиллар ва ҳисобларнинг ўз вақтида бошланғич таълим жараёнида фойдаланиши ҳамда уларнинг бошланғич таълим самарадорлигига таъсир этиши назарда тутилади.

Бошланғич таълим жараёнини ташкил этиш тамойилларининг инновацион амалиётини аниқлашда янги маълумотларни ўрганиб бориш ўзига хос ёндашувларни тақозо этади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) бошланғич таълимни ташкил этишга тадбиқ этилаётган тамойилларнинг янги маълумотларга асосланганлиги;
- 2) бундай тамойилларнинг янги маълумотлар асосида бойитиш бориш имкониятларининг мавжудлиги;

3) мазкур тамойилларнинг ноанъанавий шаклда бўлса-да, уларнинг тадрижий ривожланиб бориш хусусиятларига эгаллиги.

Диққат қилинса, бошланғич таълимни ташкил этиш жараёни тамойилларининг инновацион амалиётида янги маълумотлар асосида ўрганиб бориш муҳим ўрин тутди. Бунда янги маълумотларнинг бошланғич таълим тамойиллари томонидан қабул қилиниши хусусиятларига эътибор берилади. Шу сабабли янги маълумотлар масаласи бошланғич таълимни ташкил этишда кенг қўлланиладиган таълим бериш, тарбия бериш ва ўқувчиларни келгуси таълим босқичига тайёрлаш тамойилларининг инновацион самарадорлигини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Чунки мазкур анъанавий тамойиллар айнан янги маълумотларни қабул қилиш хусусиятига эгаллиги билан тадрижий ривожланишни намоён этади. Мисол учун, анъанавий таълим бериш тамойили янги маълумотлар ёндашуви асосида аниқланганда айнан шу тамойилнинг самарадорлик даражаси назарда тутилади.

Эътибор берилса, янги маълумотларни ўрганиб бориш масаласи бошланғич таълимда кутилган самарадорликка эришишнинг инновацион амалиёти асосларидан биридир.

REFERENCE

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сонли “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.// [www. ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Фан ва технология”. 2009. -447 б.
3. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
4. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
5. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
6. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
7. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
8. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
9. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.

10. Жабборова, О., Ташпулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
11. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
12. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
13. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(04), 449-453.
14. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. *Xalq ta'limi jurnali*, 2.
15. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
16. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 702-706.
17. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1040-1045.
18. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 584-589.
19. Жабборова, О. М., Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
20. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
21. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
22. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students as an important social-pedagogical problem. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 516-523.